



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 10 декабрь,
№ 102 (1069)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2014 йил 10 декабрь куни расмий ташир билан мамлакатимизда бўлади.

Тошкент шаҳрида бўладиган учрашув ва музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, долзарб минтақавий ва

халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташир доирасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

МУНОСАБАТ

Кексалари эъзозланган юрт

Хонадонларимиз кўрки — нуруний отахону онахонларимизнинг ибратли ҳаёт йўллари, қимматли панду насихатлари туйғайли юртимизда мустақкам оилалар сони кўпайиб, халқимизнинг турмуши янада обод ва фаровон бўлаётир, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод вояга етмоқда.

■ **Анвар АХМЕДОВ,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси.

Бирор эзгу ишга қўл урмоқчи бўлсак, аввало, кексаларимизнинг олдида утамиз, уларнинг фотиҳаларини олишга, тавсияси, йўл-йўриқларига кўра ҳаракат қилишга одат-

ланганмиз. Чунки нурунийлар «оқ йўл» берган иш хайрли яқун топиши ва, албатта, юксак самаралар келтириши ҳаётда кўп бора ўз тасдиғини топган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида юртимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб ва шу асосда давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўламли ислохотлар, янгиликлар ҳамда улкан бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти.

Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган йиллар бир-бирининг мантқиқий давоми сифатида, аввало, инсон ва унинг манфаатларига, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ҳамда халқ фаровонлигига хизмат қилаётир.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Ошкоралик, адолат ва тенглик тимсоли

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлар яқинлашгани сайин «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими ва бўлинмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари зиммасидаги масъулият янада ошмоқда.

■ **Тошўлтоев ҲАЙИТБОЕВ**
«Mahalla»

Вилоятдаги 512 700 нафар сайловчи ўртасида «Демократия — жамият кўзгуси», «Сайлов — ошкоралик, адолат ва тенглик тимсоли», «Бизнинг овозимиз мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади» каби мавзуларда тадбирлар ўтказилиб, сайлов қонунчилиги-

га киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида тушунчалар берилляпти. Бунда вилоятдаги 243 та фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган тарғибот гуруҳларининг хизмати катта бўляпти.

— Жорий йилги сайловларда фуқаролар йиғинларининг иштироки сезиларли даражада ортди, — дейди вилоят сайлов комиссияси котиби Эргаш Бўриев. > [2]



Фарғона шаҳрида янги санъат саройи очилди

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган куннинг 22 йиллиги фарғоналиклар учун қўшалоқ байрам бўлди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан вилоят марказида бунёд этилган Театр-концерт саройи 6 декабрь куни тантанали равишда очилди.

■ **Анвар САМАДОВ,**
Масъуджон
СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус
мухбирлари

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш

чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида шаҳарда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий қорхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хибоблар бунёд этиляпти.

Бундай ишлар самарасида Фарғона шаҳрининг маркази қайтадан бунёд этилди. Шаҳар атрофида кичик халқа йўли қурилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг та-

бий-иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар экилди. Мустақиллик ва Аҳмад Фарғоний кўчаларида ландшафт архитектураси асосида Каштанлар хиббони ташкил этилди. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини таъминлаб, аҳолининг ҳаёт сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Замонавий уй-жойлар, 20 минг ўринли стадион, Сув спорти мажмуаси ноёб мейморлик ечими, ўзига хос дизайни билан Фарғона шаҳри кўрғига қўрқ қўшди.

Фарғона аҳли азалдан санъат ва маданиятни юксак қадрлайди. Вилоятда 4 театр ва 14 музей, 1628 кутубхона ва ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Фарғона шаҳрида бунёд этилган минг ўринли санъат саройи вилоят аҳли учун яна бир тухфа бўлди.

Мазкур муҳташам қоша миллий ва замонавий мейморлик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган. Эшик ва устунлари шарқона нақшлар билан безатилган. Томошабинлар учун барча зарур шaroит ва қулайликлар яратилган. Саҳна атрофида замонавий ёритиш қорқлари ўрнатилган. Қирқ гектар майдонда барпо этилган сўлим хиббон, рангли чирқолларда жилланувчи мусиқали фаввора саройга янада чирой бағишлаб турибди.

> [2]

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

Ижтимоий шериклик — муаммолар ечимида муҳим омил



Давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ижтимоий дастурлар, лойиҳаларини ҳаётга табиқ этиш бевосита маҳаллалар орқали амалга оширилади.

■ **Н. ЁҚУБОВ,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими масъул котиби.

Бу эса фуқаролар йиғинлари фаолларининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятини яхши тушунишларини тақозо этаётир. Шу боис «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлинмалари фуқаролар йиғинлари фаоллари ўртасида ушбу қонун тарғиботини йўлга қўйди.

Бўлимимиз вилоят адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда Фонднинг ша-

ҳар, туман бўлинмалари, давлат ва нотижорат ташкилотлари билан қонун тарғиботига бағишланган семинарлар, давра суҳбатлари тақозо этаётир. Тадбирларда мутахассислар томонидан «Ижтимоий шериклик» тушунчасининг моҳияти, кимлар ижтимоий шерикликнинг субъектлари бўлиши мумкин, субъектлар қандай ҳуқуқ ва эркинликларга эга, ижтимоий шериклик қайси соҳаларда амалга оширилади каби масалалар батафсил тушунтириб берилляпти.

> [3]

МУРУВВАТ

Савоб ишнинг салмоғи

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйлари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари «Маҳалла муруввати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган эллик турдаги қишки кийим-бошлар билан таъминланди.



■ **Моҳичехра ЛАТИПОВА**
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Учтепа тумани «Бек-обод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги боқувчисини йўқотган оилалар ҳам бундай мурувватдан четда қолмади. Уларга 1 миллион 170 минг сўмлик турли кийим-бош тарқатилди.

Бир хайрли амал бошқасига замин ярадади, деганларидек маҳалла фаоллари эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш, уларга ғам-хўрлик кўрсатишда доимо камарбаста. Ҳудуддаги кам таъминланган, жисмоний имконияти чекланган фарзандлари бор 25 тага яқин оилалар хомийлар бириктирилган.

— Тадбиркорлар томонидан хомийлик ёрдами кўрсатиш, байрамлар арафасида кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва кексаларни йўқлаш аънаанага айланган, — дейди «Бек-обод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Маҳмудова. — Саховатпеша инсонлар эҳтиёжмандларга кўмак бериш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Йиғин фаоллари томонидан айрим фуқароларнинг коммунал тўловларини ўз вақтида тўланмаётгани ҳақидаги шикоятлар ўрганилганда, уларнинг ақсарияти кам таъминланган оилалар экани аниқланди. Шу боис хомийлар ёрдамида 8 та хонадоннинг коммунал тўловлари тўлаб берилди.

Давлат дастури доирасида йиғиннинг Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси аъзолари саъй-ҳаракати билан ҳудуддаги 109-умумтаълим мактабида тахсил олаётган эҳтиёжманд оилалар фарзандларига қишки пойабзал етказиб берилляпти.



10 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Халқимизнинг муқаддас қўшиғи

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганга 22 йил ўтди. Давлатимиз мадҳияси халқимизнинг бош қўшиғи сифатида дунё бўйлаб баралла янграмоқда. Бу қўшиқ бизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаслигимизнинг ёрқин ифодасидир.

■ **Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
ЎЗА шарҳловчиси

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз кўнглимиздан чуқур жой олган. Уни ҳар гал тинглаганимизда вужудимизда сирли ҳаяжон уйғонади, томирларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат, истиқлолга шукроналик туйғуларини жўш уради.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги

қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шарт.

Мадҳиямизда тарихимиз, миллий аънава ва қадриятларимиз, шунингдек, тинчлик, осойишталик, миллатларaro тўтувлик ва ҳамжихатлик каби умуминсоний мезонлар тараннум этилган. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг буюк келажағи учун амалга ошириляётган ҳаётбахш ислохотлар,

бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари унинг жарангдор сатрлари замирида муҳассам.

Миллий мадҳиямиз Президентимизнинг турли мамлакатларга расмий таширлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларини қутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, йирик халқаро анжуманлар, тинчлик ва дўстлик келишувларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимизнинг халқаро мусобақалар шохсупасининг энг баланд поғонасига кўтарилганда баралла янграмоқда.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз, тарихий аънаваларимиз ва умуминсоний қадриятларига ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбия-

лашда мадҳиямиз алоҳида ўрин тутди.

— Мадҳиямизни ўқувчиларнинг нафақат ёдлашига, балки унинг ҳар сатридаги гурурбахш маънони қалбларига сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Зангиота туманидаги 44-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Меҳрибон Чориева. — Зеро, юксак ватанпарварлик туйғусини муҳассам этган мадҳиямиз ёш авлодни элу юртга муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Давлат мадҳияси даъваткор кучга эга. У халқ ва миллатни бирлаштириш, инсонларни янги-янги зафарларга ундашда муҳим аҳамият касб этади.

... Хар тонгни мадҳиямиз садолари билан қарши оламиз. Қалбимизда янги кунга, истиқлолга ва бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналик, келажакка қатъий ишонч туйғуси жўш уради.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Манзилли, мақсадли ва самарали

Халқимиз азалдан саховатпешалик, беморлар ва кўмакка эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш, уларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш каби юксак инсоний фазилатларни эъзозлаган.

■ **Улубек ШОНАЗАРОВ.**

Ана шундай хайрли амаллар қилишни бурч деб билган пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Чуқурсой» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолининг энг яқин кўмакчиси. Йиғин қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия ҳудуддаги оилалар шарт-шароитини таҳлил қилиб, тегишли чораларни амалга ошириб келляпти.

— Бу борадаги ишларни, аввало, хонадонларни ўрганишдан бошладик, — дейди

йиғин раиси Озода Сулаймонова. — Ишсизлар рўйхатини шакллантириб, тегишли қарор қабул қилдик ва фуқаролар йиғини кенгашида масалани жиддий кўриб чиқдик.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан йўлга қўйилган ҳамкорлик фуқаролар бандлигини таъминлашда қўл келмоқда. Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилмоқда. Бу каби ҳамкорликлар натижасида вақтинча ишсизлар сони 45 нафардан 29

нафарга камайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда болали оилалардан биттасига ва бола парварishi бўйича 12 тасига нафақа ажратилди. Боқувчисини йўқотган оиланинг 2 нафар фарзандига қишки кийим-бош ҳада қилинди.

Ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам комиссиянинг доимий назоратида. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 10 нафар кишига хомийлар кўмағида хайрия ёрдамлари берилди. Туман хомийлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан биргаликда ёлғиз қариларнинг 2 нафарига 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди.



САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Ошкоралик, адолат ва тенглик тимсоли

< [1]

— Айниқса, ҳудудимизда 260 та сайлов участкасини тузиш ва аъзоларини сайлашда фуқаролар йиғинлари яқин кўмачимизга айланди. Шунингдек, аҳоли учун қулай ва барча шароитга эга участкаларни зарур воситалар билан жиҳозлашда ҳам маҳалла фаолларининг таклиф ва тавсиясига таяндик. Сайлов участкаларининг 12 таси бевосита фуқаролар йиғинлари биналарида, 188 таси умумтаълим мактаблари, 32 таси коллежларда, 6 таси қишлоқ врачлик пунктларида, 2 таси маданият саройларида, 8 таси ҳарбий қисмларда, 11 таси эса турли ташкилот ва корхоналарда жойлашган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловларни юқори савияда ўтказишга жиддий тайёргарлик қўрилмоқда. Вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 4 та, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 50 та, туман ва шаҳар Кенгашига 320 та округларда сайлов бўлиб ўтади. Округларнинг таркибларига Фонд мутасаддилари, маҳалла фаоллари киритилган.

Сайловларнинг рўйхатларини шакллантиришда сайлов участкалари аъзолари фуқаролар йиғинлари ёрдамидан унумли фойдаланмоқда. Маҳаллаларда илк бор сайловда иштирок этадиганлар, фахрийлар ва ногиронларнинг рўйхатини шакллантиришда

йиғин ходимларининг кўмаги қўл келяпти.

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларидаги сингари Сирдарёда ҳам номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Номзодлар бевосита маҳаллаларда аҳолига ўзларининг сайловолди дастурларини тақдим этипти.

— Номзодларга сайловолди дастурларини тайёрлашда маҳаллий шароитларни инобатга олиш, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган вазифалар, ваколатлар ҳамда мажбуриятлардан келиб чиқиб тавсия этаёلمиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъул котиби Алишер Икмаатов. — Фуқаролар йиғинлари фаоллари орасидан кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан учрашувларда асосий эътиборни маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш каби масалаларга қаратяпти.

Бир сўз билан айтганда, жорий йил 21 декабрда ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловларга тайёргарлик жараёнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлимчалари ҳамда фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этмоқда.

САЙЛОВДАГИ ИЛК ИШТИРОКИМ

Менинг овозим — юрт равнақига қўшилган ҳисса

Ўн саккиз ёшга тўлган навқирон авлод вакиллари бу йил сайловда илк бор қатнашиб, муносиб номзодларни давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлайди.

Толбижон НИЗОМОВ «Mahalla»

Шу боис улар мамлакатимизда шаклланган демократик таъминотларга асосланган сайлов тизими, бу борада қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалардан хабардор бўлиши зарур. Негаки, сайловларда ёшларнинг овози юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига ўзига хос ҳисса бўлиб қўйилади. Маҳаллаларда ташкил эти-

лаётган сайловолди тадбирларида ёшларга мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ҳудудлар иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган шахсларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлаш тавсия этиляпти.

Бобур ЭШҚУВВАТОВ,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиб:
— Пойтахтимизнинг Миробод тумани «Янги Қўйлик» маҳалласида яшайман. Яқинда йиғин идорасида ташкил этилган тадбирда қатнашиб, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим. Сайловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бандликка ҳисса қўлиш, фуқаролар муносабатларини вақтида қаноатлантириш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга муносиб номзодларнинг сайланишига бевосита боғлиқ. Шу сабабли маъруза сўёсий жараёнда ёшларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Сайловдаги илк иштироким ҳаётимдаги ҳаяжонли, шу билан бирга, масъулиятли тадбир бўлади, деб уйлайман. Бу менда эл-юрт келажигига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлайди.

Гулноза ҚҮЧҚОРОВА,

тадбиркор:
— Жорий йилда Тошкент хотин-қизлар коллежини тугатдим. Тошкент вилоятининг «Бардан-қўл» маҳалласи фаоллари ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари кўмагида банкдан кредит олиб тикувчилик цехи очдим. Яқинда йиғин идорасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни сайловолди дастурига киритган ва шу йилда астойдил ҳаракат қиладиган номзодга овоз бермоқчиман. Чунки мен айнан маҳалла ва депутат кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйиб, тенгурларимдан 5 нафарини иш билан таъминладим.

Ноҳира ИБРАГИМОВА,

Тошкент шаҳрида ИИҲА университети талабаси:
— Мен сайловда иштирок этиш орқали ўз хоҳиш-истакларимни эркин билдириб, конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланаман. Айни пайтда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг моҳияти, сайлов жараёнининг ташкил этилиши, бюллетенда танланган номзодни белгилаш бўйича муайян тушуنчага эга бўлсамда, ушбу муҳим сиёсий тадбирда бевосита иштирок этиш менга катта масъулият юклаганини яхши англаб турибман. Биз ёшлар сайловда шунчаки иштирок этмасдан, балки ушбу сиёсий жараёнга онгли ва масъулият билан ёндашишимиз, ҳар бир номзод ва унинг дастури билан яқиндан танишишимиз лозим. Номзоднинг илгари сураётган гоялари аҳолининг мақсад ва манфаатлари ҳамда хоҳиш-истакларига мос келишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

МУНОСАБАТ

Кексалари эъзозланган юрт



< [1]

Бугун юртдошларимиз давлат аҳамиятига молик барча байрамларга алоҳида тайёргарлик қўриб, кўтаринки кайфиятда нишонлашади. Айниқса, энг халқчил қомус — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сана муносабати билан уюштирилаётган тантанали маросимни ҳар биримиз интиқлик билан кутамиз. Чунки бу тадбир муҳтарам Юртбошимиз таклифи билан янги йилга ном берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2015 йилни Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилганлари халқимизни, айниқса, нурунийларни беҳад қувонтирди. «Хонадонларимиз кўрקי бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш мақсадида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир.

Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради», дея таъкидлади давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номи маърузасида.

Дарҳақиқат, иқтисодий қудрати тобора юксалиб, дунёда тенглаш ичра тенг бўлиб бораётган мамлакатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдан қўллаб-қувватлар андоза олаётгани рости. Айниқса, Юртбошимизнинг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан нурунийлар йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлганини эшитган широжликлар кексаларимизга хавас қилиши тайин.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшайётган 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган отахону онахонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий, маънавий, тиббий кўмак кўрсатиш «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддиларидан алоҳида масъулият талаб этади. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳам борлиги уларга маҳаллалар томонидан кўрсатилаётган гамхўрлик қўламининг нақадар кенг эканини аналтади.

Президентимиз ўз маърузасида кексаларни эъзозлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳам салмоқли хиссаси борлигини эътиборга этиб, жумладан: «Айни вақтда кекса авлод вакилларига нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий ва маънавий кўмак берилаётгани ва бундай ёрдамнинг миқёси кенгайиб бораётгани эътиборга сазовор. Хусусан, 2013 йилда «Нуруний» жамғармаси томонидан шу мақсадда 610 миллион сўм, жорий йилнинг 9 ойида эса 553 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан 2013 йилда 1 миллиард 597 миллион сўмдан зиёд, шу йилнинг ўтган 9 ойида эса 1 миллиард 614 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади», дея таъкидлагани бизга фахр ва гурур бағишлади.

ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Марказ кўмаги ҳар соҳада асқатади

Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Миришкор қишлоқ фуқаролар йиғини биносига кириб боришда Соғлом бола йилга бағишланган суратлар, «Мустақиллик — орзулар рўёби», «Мустаҳкам оила — жамият пойдевори» мавзусидаги фотокўргазмалар, Бош Қомусимиз, давлатимиз рамалари ҳақидаги маълумотлар эътиборни тортади.

Санобар БОЙМУРОВОДА «Mahalla»

— Фаолиятимизни ташкил қилиш ва юритишда «Маҳалла зиёси» ўқув услубий марказининг кўмаги қўл келтиради, — дейди фуқаролар йиғини раиси Азамат Вақилов. — Бизга ўқув-услубий қўлланмалар, қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар вақтида етказиб берилляпти. Шунингдек, Президентимиз асарлари, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами билан таъминланганимиз ҳам иш самарадорли-

гига хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, тумандаги қай бир маҳаллага борсангиз, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ва услубий қўлланмалар, рисола ҳамда адабиётларнинг кўрасиз. Фуқаролар йиғинлари қошидаги комиссияларнинг Низомлари, «Ота-оналар университети» фаолияти билан боғлиқ буклетлар, хуллас, ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш учун керакли барча воситалар хамланган.

— «Маҳалла зиёси» РҲУМ ёрдамидан миннатдоримиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлимчиси бош мутахассиси Марзия Эргашева. — Базан тўғридан-тўғри, баззан Фондининг вилоят бўлими орқали керакли қонун ҳужжатларини, китоб, рисола ва қўлланмаларни олаёلمиз. Биргина жорий йилнинг ўзида никоҳланувчилар учун чиқарилган ҳуқуқий-психологик қўлланмадан 200 нафар, «Оилада гоёвий тарбия» рисоласидан 27 нафар, «Маънавий тараққиётга таҳдидлар» рисоласидан 23 нафар, «Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар» деб номланган китобдан 30 нафар, «Ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий асослари» китобидан 36 нафар олиб келинди. Биз уларни тумандаги 36 та фуқаролар йиғинига тарқатдик.

Жейнов қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 6 та маҳалла, 1 та қишлоқ бор. Уларнинг ҳар бирига соҳа-

гояларига содоқат руҳида тарбиялаш, уларни «оммавий маданият»нинг салбий оқибатларидан асрашда кексаларимизнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шу боис 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтган сайловларда 10 минг нафарга яқин йиғин раиси ҳамда 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчилик лавозимларига сайланган фуқароларнинг аксарияти бой ҳаётий тажрибага эга инсонлар — нурунийлар экани қувонарли хол.

Ҳозир фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссия раисларининг кўпчилиги аҳоли ортидан эргаштира оладиган, обрў-эътиборли отахону кайовни онахонлар экани маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишда қўл келмоқда.

Шунингдек, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида 9 мингга яқин маҳалла қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» аъзолари орасида ҳам нурунийларимиз талайгина.

Маҳаллалар ҳудудда фаолият юритаётган «Нурунийлар» жамоатчилиги Кенгаши аъзоларининг йиғинлар қошидаги Яраштириш ҳамда Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар билан ўрнатган мустаҳкам ҳамкорлиги натижасида тўйларимиз иччам, ортиқча сарф-ҳаражатларсиз ўтмоқда.

Сир эмас, орамизда «Ўзим топган пул, хоҳлаганимдек тўй қилишим мумкин» қабилида иш тутадиган кимсалар топилади. Лекин ким бўлишдан қатъи назар, ёши улуг кишилар ўртага тушганда бу кимсалар ҳисоблашишга, уларнинг гапига қулоқ солишга мажбур бўлади. Ҳаётини ибрат, сузи насихат бундай азиз инсонлар маҳаллаларда қўллаб-қувватлади.

Шонли саналар арафасида яқка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга муруват ёрдами кўрсатиш Фонд фаолиятининг асосий йўналишларидандир. Мустақиллик байрами арафасида 18 минг 45 нафар, Рамазон ҳамда Қурбон хайити муносабати билан 10 минг нафарга яқин фуқароларнинг қўллаб-қувватланди.

Саховат ва Муруват уйларидаги 7 минг нафарга яқин фуқаро, шунингдек, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга «Маҳалла мурувати» масъулият чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган кийим-бошлар тарқатилди. Маҳаллалардаги ёлғиз кексалар ва ногиронларга 200 та га яқин махсус аравага, 100 нафардан зиёдинга қўлтўтиқтаёқ, 90 нафарга ошийтиш мосламаси, 70 га яқинига хасса, 50 га яқинига протез-ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Уч минг нафардан зиёд ҳам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила аъзоларини, яқка-ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари уюштирилди.

Ҳа, дориламон кунларга етиб келишимизда, турмушимизнинг янада фаровон бўлишида кексаларимизнинг хизмати беқиёс. Шу боис уларни эъзозлаш ҳар биримизнинг эзгу аъмолимизга айланмоғи лозим. Янги йилда бундай хайрли ишлар янада кенг қўлаб касб этиши шубҳасиз.

Фарғона шахрида янги санъат саройи очилди



< [1]

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2014 йил 25 июнда қабул қилинган қарорига мувофиқ ушбу санъат даргоҳи Фарғона вилояти Театр-концерт саройи сифатида фаолият бошлади.

Санъат қошонасининг очилиш маросими ҳақиқий байрам тусини олди. Унда турли вазирилик, идоралар ва жамоатчилик вакиллари, санъат ва маданият номаюндалари иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов фармонларига мувофиқ Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан бир гуруҳ фарғоналиклар ҳам Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Ушбу муқофотлар тантанали равишда топширилди.

Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

— Бугун барча фарғоналиклар, айниқса, кексаларимиз жуда хурсанд, — дейди «Нуруний» жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси Топиборди Холдоров. — Негаки, улар халқимизнинг, давлатимизнинг меҳр ва эътиборини ҳис этиб яшамоқда. Президентимиз

2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилгани нурунийларимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Бундай эҳтиромдан отахону онахонларимизнинг яшашга иштиёқи ошмоқда, умрига умр қўшилмоқда. Фарғона вилоятида 350 мингга яқин кексалар, 234 нафар юз ёшдан ошган табаррук қариялар роҳат-фароғатда ҳаёт кечираётди. Бугун улар ушбу хайрли ишларнинг ташаббускори бўлган Юртбошимизга миннатдорлик билдириб, дуолар қилмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофиси Илҳом Иброҳимов. — Кейинги бир ойнинг ўзида бу соҳада қанча йирик тадбирлар, халқаро фестиваллар ўтказилди, Ўзбек Миллий театрининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Бугун ушбу муҳташам Театр-концерт саройининг очилиши бу борадаги ишларнинг узвий давомини бўлди. Бу санъаткорлар учун, санъатсеварлар учун улкан воқеа, катта байрамдир.

Маросимда санъат усталари, ёш ижодкорлар иштирокида концерт намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.



ФОНД КЎМАГИДА

Муруват — борича бермоқдир

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белги-ланган устувор вазифалар, хусусан, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида талай хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Мухбиримиз.

Яқинда Фонд кўмагида тумандаги Санчикул, Сарибобо, Пулатчи, Тор ариқ, Чимбой ҳамда Гўзалкент қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги 12 та боқувчисини йўқотган ва кўмакка муҳтож оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Тадбирда муруватга муҳтож оилаларга Фондининг вилоят бўлими, туман бўлимчалари ҳамда саховатпеша ҳомийлар томонидан 1 миллион 200 минг сўмлик совғалар улашилди.

Ҳа, дориламон кунларга етиб келишимизда, турмушимизнинг янада фаровон бўлишида кексаларимизнинг хизмати беқиёс. Шу боис уларни эъзозлаш ҳар биримизнинг эзгу аъмолимизга айланмоғи лозим. Янги йилда бундай хайрли ишлар янада кенг қўлаб касб этиши шубҳасиз.

Ҳа, дориламон кунларга етиб келишимизда, турмушимизнинг янада фаровон бўлишида кексаларимизнинг хизмати беқиёс. Шу боис уларни эъзозлаш ҳар биримизнинг эзгу аъмолимизга айланмоғи лозим. Янги йилда бундай хайрли ишлар янада кенг қўлаб касб этиши шубҳасиз.

досига, диний экстремизмга қарши курашиш, тўй-ҳашамларни тартибга солиш бўйича рисола ва қўлланмаларни қўлга олган, уларга асосланб чора-тадбирларимизни белгилаймиз, — дейди фуқаролар йиғини раиси Шодди Қурбонов. — Бундан ташқари, экстремистик гуруҳлар, уларнинг газали ниятлари фоти этилган «Калаванинг учми», «Хунрезлик», «Халокат тузоғи», «Жаҳолат чангалида», «Этилган бош» бадий фильмларнинг дискларини ҳам қабул қилиб олиб, бир неча марта фуқароларга, коллеж ва мактаб ўқувчиларига намойиш қилдик. «Маҳалла зиёси» ўқув услубий марказининг кўмаги фуқаролар йиғинларида ташкилий ишлар самарасини оширишда, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда, аҳолининг маънавий дунёқарабини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Миллий гоё тарғиботи, одам сав-

КОМУСИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Демократик тамойилларга уйғун қадрият

Бош Қомусимизда оила масалалари ҳам миллий анъана ва одатларимизга мос тарзда акс эттирилган эътирофга сазовор. Зотан, оила миллатнинг кўп асрлик анъана ва руҳиятига мос гоат муҳим ҳаётий қадриятларни ўзида мужассам этади.



Замира ЭСАНОВА, Тошкент давлат юридик университети кафедрa мудир, юридик фаълари доктори.

Конституцияимизнинг «Оила» деб номланган XIV боби нормалари оила қонунчилигининг устувор масалаларини қамраб олиб, бу соҳада қабул қилинган ва қилинаётган қонун, қонуности меъёрий ҳужжатларимиз учун асос бўлиб хизмат қилаётди. Ушбу бобнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари қайд этилган.

Дарҳақиқат, болаларнинг манфаатлари, уларнинг тарбияси, таълим олиши, таъминоти давлатимиз муҳофазасида. Қонунчилигимиз меъёрларига кўра, ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда ёки бундай ҳуқуқи чекланганда, муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, яшаш жойида узок муддат бўлмаганда, болаларини тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан, ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортиш ва бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилади. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар оила(фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум болалар учун тайинланган (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа) муассасаларга берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдига тенглиги мустақамлаб кўйилган. Мазкур моддада ота-оналарнинг насл-насаби, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи болаларга таъсир қилмаслиги ҳамда қонунда ҳеч қандай устуворлик ва имтиёз белгиланиши мумкин эмаслиги тушунтирилган. Конституцияимизнинг 66-мод-

дасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб кўйилгани эса, бир томондан, ўзбекиона миллий анъана ва одатларимизнинг намунаси саналса, иккинчи томондан, фарзандларнинг ота-оналар олдидagi мажбуриятларини бажариш имкониятини таъминлайди. Одатда, ота-она, оила олдидagi мажбуриятини тўри англаган ҳар бир фарзанд Ватани олдидagi мажбуриятини ҳам бажаришга қодир бўлади. Бу вазифани улар эркин ва ихтиёрий тарзда бажаришга интилади. Аммо масаланинг муҳим жиҳати шундаки, Асосий Қонунимизда «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб белгилаб кўйилиши ушбу одатнинг мажбурият даражасига олиб чиқилгани ҳамда бу мажбуриятга давлат сиёсати даражасида қаралиши, қолаверса, бу масаланинг конституциявий қоида сифатида белгиланиши янада эътиборлидир.

Мазкур норма болалар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларни янада жипслаштирилади, ота-оналарни ижтимоий ҳимоялаш принципини мустақамлаб келаятган давлат сиёсати ва анъаналаримизга ҳурмат билан қарашни кучайтиради, вояга етмаган фарзандларга тарбиявий таъсир кўрсатади. Ушбу гамхўрлик замирида ота-онани моддий жиҳатдан таъминлаш, уларни ўз қарамоғида асраш, соғлиги, таъминоти, яшаш шароити ҳақида қайғуриш, уларга қариганда ҳурмат ва иззат кўрсатиш, маслаҳатларига таяниш каби инсоний фазилатлар мужассам.

Бу миллий қадрият бошқа ҳуқуқий ҳужжатларимиз учун ҳам асос бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти белгилаб кўйилган. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар оила(фарзандликка олиниши, васийлик, ҳомийлик белгиланиши ёки тутинган оила)га берилиши, бундай имконият бўлмаганда эса, етим болалар ёхуд ота-оналар қарамоғидан маҳрум болалар учун тайинланган (тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа) муассасаларга берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдига тенглиги мустақамлаб кўйилган. Мазкур моддада ота-оналарнинг насл-насаби, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи болаларга таъсир қилмаслиги ҳамда қонунда ҳеч қандай устуворлик ва имтиёз белгиланиши мумкин эмаслиги тушунтирилган. Конституцияимизнинг 66-мод-

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАСКАНИ

Сариштали жойнинг фариштаси бўлади

Пойтахтимизнинг Мирзо Улукбек тумани «Хумоюн» маҳалла фуқаролар йиғинининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси аъзолари томонидан ҳудуднинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Мохичехра ЛАТИПОВА «Mahalla»

Комиссия фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Намунавий низом ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иш режасини ишлаб чиққан. Унинг таркибига ўқитувчи-педагоглар, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари раҳбарлари, уй бошиқлари, шифокор ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга 6 нафар фаол киритилган.

38 та кўп қаватли уйдан иборат ҳудуд маҳалла фаоллари томонидан бешта катта ҳовлига ажратилиб, ҳар бирига уйбоши ва комиссия аъзолари томонидан озодаликни сақлаш бўйича масъулар бириктирилган. Фаоллар тили билан айтганда, «тўртинчи ҳовли»да катта ободонлаштириш ишлари авжида. «Гулзор» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Фаҳриддин Азизов ташаб-

буси ва аҳоли кўмаги билан кўп қаватли уй йўлакларининг томи қайта ёпилмоқда, ўриндиқлар таъмирланиб, уларга махсус соянон ўрнатилмоқда.

Ҳомийлар кўмагида бунёд этилган усти ёпиқ шийпонда хотин-қизлар ва ёшлар иштирокида турли маданий-маърифий тадбирлар, тўқши, тикиш машғулотлари ўтказиб борилади. Болаларда иммунитетни мустақамлашда иссиқ кўмининг фойдали экани инобатга олиниб, кўркамагина кўмдон бунёд этилди. Шунингдек, болалар майдончасидаги аттракционлар таъмирланди. Айни пайтда қурилиши кўзда тутилган футбол майдончасининг ўрни ҳам чим ёткизишга ҳозирланмоқда. Бундай хайрли ишлар, асосан, ҳашар орқали амалга ошириляётди.

— Ҳудуд озодлиги билан боғлиқ масалалар биргина фаоллар ёхуд комиссия ташаббуси билан ечим топмай-

ди, — дейди маҳалла раиси Марҳамат Зоҳидова. — Бу юмшларда, аввало, аҳолининг ўзи ташаббус кўрсатиши, атроф-муҳит муҳофазасига, хонадони, кўчаси, маҳалласи ободлигига муносиб ҳисса қўшоғи лозим. Шу боис ёшлар ўртасида экологик маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланишига доир тарғибот ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратялгимиз. Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нарғиза Юсупова ҳамда комиссия раиси Султон Раҳимов 408-мактабга таълим муассасасининг «Зумрадойлар даврасида» тўғрақлари машғулотларида болажонлар билан гул парвартириш бўйича амалий машғулотлар ўтказиб туради. «Она табиатни асрайлик!», «Сув — муқаддас», «Ободонлаштириш ишларига қўшган ҳиссам» мавзуларидаги давра суҳбатларимиз ҳам самара бераётди. Хусусан, мактабдаги «Ёш эколог» гуруҳи аъзолари йиғин ҳудуди тозаланиши назорат қилишга ҳисса қўшаётгани қувонарли.

«Маҳалла» хайрият жамоат фонди туман бўлиммаси маблағи эвазига 500 туп арча ва 100 туп мевали дарахт, 2000 туп бута ва гул қўчатлари экилгани ҳудуд кўркига кўрк қўшиди. Туман ободонлаштириш бошқармаси кўмагида Заҳарик атрофида тўпланган чиқиндилар тозаланди. Шунингдек, арик бўйида машиналарни ювмаслик, чиқинди ташламаслик учун бу жойлар «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси томонидан назоратга олинган.

Республика нейрохирургия илмий маркази, 279-умумтаълим мактаби, 408-мактабга таълим муассасаси ҳамда маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларининг санитария ва экологик ҳолати ҳам эътиборда.

Дарвоқе, маҳалла «Экосан» жағғармаси томонидан ўтказилган кўрик-танловда голиб топилгани бежиз эмас. Зотан, «Хумоюн» маҳалласининг Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси ҳамда фаоллар сый-ҳаракати билан амалга ошириляётган ишлардан ибрат олса арзийди.

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

Ижтимоий шериклик — муаммолар ечимида муҳим омил

< [1]

Учрашувлар фуқаролар йиғинларининг иш тажрибалари асосида ўтказилаётгани яхши самара бериши аниқ. Шунинг учун тарғибот тадбирларини ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий, иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишга эътибор қаратаётимиз.

Масалан, Фонднинг Жиззах шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган давра суҳбатида қонуннинг фуқаролар йиғини, унинг кенгаши ваколатлари ифодаланган 11-12-13-14-моддаларида ижтимоий шериклик муносабатларини назорат тутувчи меъёриларга алоҳида эътибор қаратилди. Қонуннинг 11-моддасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилаларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш бўйича белгиланган ҳуқуқни амалга оширишда ижтимоий шерикликнинг йўл-

йўриқлари кўрсатилган. Бу борада шаҳардаги «Хамзаобод», «Зилол», «Қипчоқ» каби маҳаллаларда тўпланган тажрибалар мисол тариқасида таъкидлаб ўтилди.

Вилоят туманларидаги фуқаролар йиғинларида ижтимоий шерикликнинг барча шакллари амалда қўлланилмоқда. Жумладан, қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини кенгаши оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ўтказишда, сув таъминоти манбаларини, тураржойларнинг, таълим муассасаларининг санитария ва экологик ҳолати, ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, ветеринария-санитария, қолаверса, савдо қоидалари ҳамда фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда тегишли давлат органлари билан яқин ҳамкорлик қилинаётди.

Жиззах туманида ўтказилган семинарда қонуннинг 18-моддасига мувофиқ амалга ошириляётган ижтимоий

шериклик муносабати фуқаролар йиғинларининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиясининг шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш жамияти билан ҳамкорлик яхши самара бераётгани эътибор этилди.

Ижтимоий шериклик Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида фуқаролар йиғинлари билан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида яқин маълум бўлмоқда.

Муҳтасар қилиб айтганда, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун фуқаролар йиғинларининг давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш баробарида уларнинг янги қирраларини очишга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам қонун тарғиботини изчил олиб бориш бўлим ва бўлимлар ходимларининг доимий эътиборида.

СОЛИҚ

Қулай шароит, имтиёз ва имконият муваффақиятга етаклайди

Кейинги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш бўйича кенг қамровли чоралар амалга ошириляётди.

Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Айниқса, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляётгани, уларга нисбатан енгиллаштирилган солиқ тўловлари жорий этиляётгани натижасида ушбу сектор жадал тараққий этмоқда.

Маълумки, тадбиркорликка қўл ураётган киши тегишли қонун ҳужжатларини, жумладан, солиқ ҳамда бизнес қонунчилигини ўрганмай туриб фаолиятини тўри ташкил этолмайди. Бугун бизнесини бошлаш ара-

фасида турганларга зарур маслаҳат ва кўникмалар бериш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги масъулиятли вазифалардан.

— Ҳудудимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганлар бисёр, — дейди пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги «Янги себзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Муродбекова. — Юртбошимиз раҳнамолигида ушбу соҳага қаратилган эътибор ва яратилган имтиёзлар, қулай ишбилармонлик му-

ҳити, айниқса, солиқ соҳасидаги енгилликлар бунга туртки бўляётди. Йиғинимизга бириктирилган туман давлат солиқ инспекцияси ходими Тоҳир Аъзамов билан ҳамкорликда ҳар ойда бир марта ишбилармонлар, қолаверса, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлганлар иштирокида учрашувлар уюштириб, соҳа оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг маънумоҳияти, мавжуд имтиёзлар ҳақида маълумотлар бериб бораёلمиз.

Дарҳақиқат, мазкур учрашувлар таъсири тўғрисида оилавий бизнесини бошлаб, пировардида ҳам оила, ҳам ҳудуд иқтисодиётининг ривожига ҳисса қўшаётган фуқаролар сафи кенгаймоқда.

Хусусан, Озода Муродбековага нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган «Озода Муштарий» оилавий корхо-

ОРАСТА ҚИЗЛАР ДАВРАСИДА

Аёлнинг хунари юртни безайди

Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амур Темур номи билан аталадиган маҳалламиз Сирдарё вилояти Ширин шаҳарчасида жойлашган. Ҳудудимиздаги ўзгаришлар, янгиликлардан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Ораста қизлар давраси»нинг фаолиятдан андоза олаётганлар кўп.

Мадина УМАРОВА, Ширин шаҳридаги Амур Темур номидаги маҳалланинг «Ораста қизлар давраси» тўғраги иштирокчиси, хунарманд.

Болалигимда бувим халқимизнинг: «Хунарли аёл — унарли аёл» мақолини кўп такрорларди. Дарҳақиқат, ушбу тўғрақ кўпга кўзларининг хунар эгаллашига имкон яратмоқда. Мен ҳам беш йил олдин шу ерга қатнай бошлагандим. Дастлаб маҳалламизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳбуба Исмадиёрова, тўғрақ раҳбари Сабо Жабборова ва қизларнинг қизиқлиқларини ўрганиб чиқишди. Уларнинг тавсиясига кўра, мен халқ хунармандчилиги йўналишини танладим. Миллий хунармандчиликни замонавий чеварлик билан уйғунлаштиришга аҳд қилдим.

Тўғрақ сабоқларида Зомин, Нурота, Форш ва Чироқчи услубларида жун ва пахтадан «алача», «хуржин», «жулбарок», «қолин гилам» каби маҳсулотларни ўрмакда тўқиш сирларини ўзлаштирдим.

Дарвоқе, ўзим хунармандлар сулоласига мансубман. Онамнинг айтишича, зоминликлар тўқувчилик сирларини асрлар давомида авлоддан авлодга етказиб келишган. Ҳатто бундай юмушлар билан шуғулланиш тақдирда қўйилган замоналарда ҳам улар хунарларини сақлаб қолтишган. Мен шу сулоланинг ўрмида тўқиш сирларини ўзлаштирдим. Бахтим шундаки, бугун момомерос хунаримизни ўрганибгина қолмай, уни сайи қаллашга, тарғиб этишга ҳиссамни қўшаётиман.

Жумладан, бувимларнинг ижодий ишларидаги қадимий

нақшу нигорларни замонавий либосларга қўчирилган. Бунда менга Ширин энергетика ва маънавий хизмат кўрсатиш касбхунар коллежи ўқитувчиси, модельер-дизайнер Иззатойа Мармарасулова катта ёрдам беряпти. Миллий ва замонавий услублар уйғунлашган либосларимни кўпчиликка манзур бўлаётганидан, пешма-пеш бюртмалар тушаётганидан хурсандман. Айниқса, келинчақлар учун миллий нимча тўқишни йўлга қўйганим миқозлар сонини оширди. Бунинг учун ўрмакда турли гуналар солинган «гажара», «алача» тўқиш, унинг парчаларини тикув машинасида бириктиришдан, кейин турфа буюқлардан ранг бериб, нақш соламан.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этаман. Жорий йилда кўргазмада 30 турдаги маҳсулотларим билан қатнашдим. Нимчаларимдан ташқари, қўл телефонлари учун тўқилган ёлғофлар, гулдор ҳамёнлар, миллий безакли сумкалар ва шиппақларим барчага бирдек маъқул бўляпти. «Энг ёш хунарманд» номини яширишда голиб бўлганим эса, ўзимга ишончи оширди.

Нафақат маҳалламизда, балки гўзал Ширин шаҳримизда кўпга тенгдошларим халқ хунармандчилиги анъаналарини қадрлаб, унинг сир-асрорларини эгаллашга интилишаётгани мени қувонтиради. Бугунги кунда тўғрагимизнинг Моҳичехра Жўраева, Феруза Жабборова, Сарвиноз Сайиджанова, Қаромат Алиева каби аъзолари эришаётган ютуқлар, улар тайёрлашаётган миллий буюмлар аллақачон эл назарига тушган. Мақсадимиз эзгу — момомерос хунарни асраб-авайлаб, унинг ривожига ҳиссамизни қўйиш.



ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Фаолият тури кенгаймоқда

Хоразм вилоятининг Ботот туманида фаолият юритаётган «Vog'ot paper» масъулияти чекланган жамияти баҳоси 115 млн АҚШ долларига тенг ускуналарни Хитойдан келтириб ўрнатди, иш қўламини кенгайтирди.

А. САФОЕВ.

Хоразм вилояти.

Цех саноят корхоналари учун зарур қозғоқлар ишлаб чиқарадиган технология асосида йилга беш миллион дона маҳ-

сулот тайёрлаш имкониятига эга бўлди. Натижада тумандаги 40 нафардан зиёд йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Жамият раҳбари Мансурбек Отажоновнинг айтишича, қозғоқ чиқиндиларидан тайёрланаётган ушбу маҳсулотларга нафақат тумандан, балки қўшни ҳудудлардаги корхоналардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Тадбиркор келгусида ушбу йўналиш янада ривожлантириб, янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган.

роилос эса Юртбошимизнинг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида акс этган имтиёз ва преференциялардан фойдаланиб «Қайс гилам тўқиш» оилавий корхонаси фаолиятини кенгайтирди. Айни пайтда бу ерда 200 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат билан банд. Касаначилик асосида фаолият юритаётган ушбу корхона биргина солиқ имтиёзларидан фойдаланиш эвазига йилга 30-35 млн. сўм даромадга эга бўляпти.



КҮРИК-ТАНЛОВ

Энг намунали «Ота-оналар университети» аниқланди

Ёш авлод, аввало, оиласидаги муҳит таъсирида, ота-онадан ибрат олиб вояга етади. Халқимиз бежиз: «Қуш уясида кўганини қилади», демаган. Шу боис мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, фарзанд тарбияси илмини эгаллашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган «Ота-оналар университети»нинг ўрни эътиборга молик.



Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»

— Бугунги кунда Наманган вилоятидаги 770 та маҳаллада ана шундай университетлар ташкил этилган. Мазкур жамоатчилик масканлари ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ноқобил, нотинч оилалар билан иш олиб бориш, баркамол авлодни вояга етказишда фуқаролар йиғинларига яқиндан кўмак бериб келмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бош мутахассиси Дилором Зоҳидова. — Машгулотларда оила маънавияти, ҳуқуқи, иқтисоди, тиббий маданият билан боғлиқ ўнлаб долзарб мавзуларда чуқурлаштирилган сабоқлар берилмоқда. Бунинг самараси оила ва таълим-тарбия масаласида эришилаётган ижобий натижаларда яққол намоён бўлаётди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва ҳудудий бўлинмалари томонидан «Ота-оналар университети» фаолиятини янада такомиллаштириш, бу соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, муносибларини тақдирлаш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш доимий эътиборда. Шу мақсадда жорий йилда илк бор ўтказилган «Энг намунали «Ота-оналар университети» кўриктанловининг шаҳар ва туман босқичларида 500 дан ортик маҳалла фаол иштирок этди. Танловнинг вилоят босқичи Наманган шаҳридаги 11-сонли болалар мусика ва санъат мактабиде уюштирилди. Танлов низомига кўра, ишти-

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

Таълим, тарбия ва турмушни боғлаган ришта

Жомбой туманидаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасидаги сазй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда. Ҳудуддаги ўқув муассасаларида ҳар ҳафтанинг жума кунин «Таълим муассасаси билан ҳамкорлик кунин» этиб белгиланган.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ «Mahalla»

Шу кунин йиғин фаоллари, маҳалладаги ёши улуг онахону отахонлар биргаликда мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежларига келиб, таълим жараёни, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самардорлиги, давомати, интизомини кузатади. Бу эса тарбиянинг таъсирчан воситаси бўлиб, муаммоли масалаларни биргаликда ҳал қилиш имконини бермоқда.

Ушбу ҳамкорлик туфайли ўқувчилар давомати анча яхшиланди. Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида мактаб ўқувчилари 333 нафарни, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари 147 нафарни ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар ўқувчиларнинг таълим тарбиясини, бўш вақтларини мазмунли ўтказишни пухта йўлга қўйишни талаб этади.

Афсуски, орамизда масъулиятини теран ҳис қилмайдиганлар ҳам учраб туради. Ўқув йили бошида маҳаллада истиқомат қилувчи 1 нафар мактаб ўқувчилари ва 3 нафар касб-ҳунар коллежи ўқувчисининг ота-онаси билан бирга хорижга кетгани маълум бўлди. Жамоатчилик, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамкорлигида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида улар таълим жараёнига қайтарилди.

— Маҳаллада ёшларни назорат қилиш билан чекланмайди, уларга ҳаётнинг паст-баландини тўғри тушу-



тириш керак, — дейди Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Жанглиш Бозорбоева. — Жумладан, ҳудудимизда вояга етмаган бир қизнинг тажрибасизлигидан фойдаланган нотиниш йигит ёлгон ваъдалар билан уни севиб қолганига ишонтириб, турмуш қурмоқчи бўлди. Йигитнинг ширин сўзларига ишонган қизнинг ўқишга қизиқиши сусайиб, дарсларни ўзлаштиролмади. Бегона шахснинг маҳаллага серкатнов бўлиб қолганини сезган, фаоллар билан биргаликда қизнинг онасини қақариб суҳбатлашдик: афсуски у қизнинг турмушга чиқишига хайрихоҳ экан. Айтишча, йигит топармон эмиш. Наҳотки, она фарзандни келажаги тўғрисида чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрмаган бўлса, ахир унинг қизи ҳали бола-ку. Биз фаол-

лар тарғиботда йўл қўйган камчиликларни тўғирлашга, таъсирчан воситаларни ишга солишга интилдик. Жумладан, маслаҳатчи ва фаоллар хонадон аҳли билан вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, қизларни эрта турмушга беришининг салбий оқибатлари ҳусусида тушунтириш олиб боришди. Ҳатто фарзанднинг эрта турмуш қуришига сабабчи бўлган ота-оналар, яқинлари учун жинорий жавобгарлик тайинлангани ҳам айтиб ўтилди. Ниҳоят фаоллар қизни яна мактабга, дугоналари сафига қайтаришга муваффақ бўлишди. Бу билан битта носоглом оила вужудга келишининг олди олинди. Ҳа, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги тизими ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этаётгани бунга ўхшаган кўплаб мисолларда намоён бўлаётди.

МУШТАРИЙ МАКТУБИ

Ватан ишқи билан яшайди юрак

Мен Андижон вилоятидаги Ойим шаҳарчасида яшайман. Кундан-кунга кўркамлашаётган она диёримиз жамоли қалбимга илҳом солади. Кўнгил кечинмаларимни оқ қовоғга тўкишга уринаман...

Ҳамроҳон МАМАТҚУЛОВА. Андижон вилояти Ойим шаҳарчаси.

Жаннатмақом улқамизда қиш. Довдараклар шоҳида саргайган япроқлар сохта динир-дир титрайди. Барглар оҳиста узилиб ерга тўкилади. Кўчогиде ёмиғиру қорни эргаштириб келган дайди шамол уни-да учириб кетади. Назаримда, йўлакларга поёндоздек тўшалган ҳазонлар умр ўткинчи эканини эслатаётгандек, «хайрли ишларга улгуриб қол» дегандек...

Атрофга разм соламан: сокинлик фаслида ҳам юртимда ҳаёт қайнамоқда. Шаҳар кўчаларида қад ростлаётган муаззам биноларда қурувчилар меҳнат баҳсини қизитишган. Пайвандловчининг

ускунасида учаётган учқунлар ерга юлдузлар мисол тўкилади. Қурувчи йигит бино пештоқига мустаҳкамлаётган мрамор тошлар қалбидеги орзу-истаклари каби оппоқ. Улар ўз ишидан мамнун, бунёдкорликка ҳисса қўшаётганидан шод.

Ниҳоғларим олис тоғлар томон тушади. Бошлага қор кўнган минг йиллик чўққилар салобати улугвор. Бугун бу тоғлар бағрида ҳам ҳаёт қайнамоқда — янги йўл қуриляётган. Ёрқин келажимиз, истиқлол ва истиқболимиз тирмоли бўлган ушбу қурилишда ҳам юртдошларимиз жавлон уриб меҳнат қилишмоқда, тонинг метин тошларини сарийғ мисол кесишмоқда.

«Ажаб, — дейман ўзимга ўзим. — Шижоат билан меҳнат қилаётган бу кишилар совуқ захрини сезишмайди?»

Уларнинг гайратини бўлишга қаҳратоннинг «тиши» ўтмайди? Бунёдкорларнинг куч-қудрати сирини нимада?»

Ҳа, уларнинг юраги Ватан ишқи билан ҳамоҳанг уради. Бунёдкор элнинг ўғлонларига диёримизни янада янаштин шийтиқ тинчлик бермайди. Кексалари мудом дуода, фарзандлари болалик бахтидан масрур, келинлари қўлини уйғотадиган, ўқтам ўғлонлари юртига қалқон бу диёрга фасл аёзи ҳукмини ўтказолмайди. Кўнгилларини тўлдирган меҳр, оқибат, яратувчанлик, интилувчанлик туйғуларининг қайноқ ҳароратини ҳис этасиз жаннатмонанд ўзбекистонда.

Ташқарида қор, кўнгилларда эса бир олам тилаклар ёғилади... Кўнгил тубида ёқут-гавҳарлар мудом порлаб турарверсин. Ҳар кунини янги кун мўъжизаси яралсин. Бир-биримизни асраб-авайлайлик. Мўъжизакор қишининг қадими ҳар бир маҳаллага, ҳар бир гузар, ҳар хонадонга кутлуғ келсин...



БМТ кўмакдан умидвор

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятига муурожаат қилиб, 2015 йилда амалга ошириладиган инсонпарварлик ёрдамлари учун 16,4 млрд. доллар йиғишда кўмаклашини сўради.

Нуфузли ташкилотнинг Инсонпарварлик масалаларини мувофиқлаштириш бўйича бошқармаси маълум қилишча, йиғиладиган маблағнинг 80 фоизи нисолар ортидан шафқатсизлик ва зуравонликка мубтало бўлаётган кишиларнинг ҳаётини яхшилашга сарфланади. Қуролли тўқнашувлар авж олган мамлакатлар рўйхатидан Афғонистон, Ироқ, Мьянма, Украина, Яман ўрин олган. Йирик миқдордаги (7,2 млрд. доллар) кўмак эса Суриядаги моҳаролардан жабр кўрган-



ларга йўналтирилади. Келгуси йилда 22 та давлат БМТнинг инсонпарварлик ёрдамидан баҳраманд бўлади. Мазкур кўмак 57,5 млн. кишини қамраб олиши кутилмоқда.

Кимда қанча?

«Автостат» таҳлил агентлиги энг кўп машиналарга эга дунёдаги 20 та давлатни аниқлади.



Унга кўра, рўйхатда 251 млн. 497 мингта энгил ва энгил тижорат машинаси билан АҚШ етакчилик қилмоқда. Автопаркда 109 млн. 220 мингта улов бўлган Хитой иккинчи ўринда

бормоқда. Учинчи ўрин 76 млн. 126 минг кўрсаткич билан Кунҷар юртга тегишли бўлиб турибди.

Европадаги энг йирик автобозор эгаси — Германияда эса 46 млн. 538 мингта машина қайддан ўтказилган. Россия, Англия, Франция, Бразилия, Мексика ҳам пешқадамлар сафиде.

Испания, Ҳиндистон, Польша, Канада, Жанубий Корея, Индонезия, Австралия, Туркия ва Таиланд иккинчи ўнликдан жой олган. Эрон Ислмо Республикаси 11 млн. 920 мингта машина билан рўйхатга яқун ясаган.

Зайтун мойи — мўъжиза

Глазго ва Лиссабон университети олимлари қандай қилиб олти ҳафтада юрак ҳуружи хавфини қамайтириш мумкинлигини аниқлашди.

«The Daily Mail» нашрининг қайд этишича, бунинг сирини жуда ҳам оддий: бор-йўғи зайтун мойига нон ботириб ейиш керак. Таҳлиллардан маълум бўлишча, бундай мойдан доимий фойдаланиш юрак-ишемик касалликларини билан боғлиқ химиявий сигналларнинг ишлашини яхшилайдди. Катталар бир кунда тахминан 4 чой қошиқ (20 миллилитр) мой истеъмол қилгани маълум. Агар салатларга қўшиб тановул қилиш ёқмасе, мойга шунчаки нон ботириб ейиш ҳам мумкин. Таркибиде феноль бирикмаси бўлган зайтун мойидан ташқари, «омега-6» ёғли кис-



лота ҳам ижобий натижада беради. Мазкур кислота сурункали касалликлар, артрит ва юрак хасталиклариде кечадиган жараёнларни ҳаракатдан тўхтади, қон босимини тушириб, танадаги ёғлар нисбатини яхшилайдди.

Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Ҳар замону ҳар маконда эъзоз ва эҳтиромда

Ҳазрат Навоийнинг 770 нафар шайх ҳаёти, қароматларига бағишланган «Насоийм ул-муҳаббат» асариде ҳақни сўзловчи, шariat амрига ундовчи 35 нафар шайх аёл ҳақида ҳам фикр боради. Китобда оналар билан боғлиқ лавҳалар алоҳида диққатга молик. Оналарнинг жасорати, маънавий қуввати, улардаги феъллий, зотий сифатлар, онага эҳтиром ва иқром талқинини бажо келтириш борасидеги қайдлар ҳаётини нуктан назардан ҳам жуда қизиқарлидир.

Буробия РАЖАБОВА, адабиётшунос.

«Насоийм ул-муҳаббат»да Шайх Мумин Шерозий, Шайх Абдулқодир Жилий, Пахлавон Маҳмуд, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафифлар ҳаёти, қаромати мисолида қатор оналар образи тасвирланганки, улар орқали шоирнинг тарбия, танбех, огоҳлантиришларидан воқиф бўламиз. Онага ҳурмат, таъзим ҳар бир замонда ва маконда, ҳар бир миллатда гўзал қадрият эканини англаймиз.

Асарда «курашчиликда саромад бўлиб азим шўҳрат тутган», деб қадрлаган шоир, хунарман Пахлавон Маҳмуднинг онага эҳтиромини тасирловчи гўзал ҳикоят келтирилган. Навоий унинг хинд мулкида ташкил қилинган «кураш

маъракаси»даги жисмонан мағлуб бўлса-да, нафси устини доимий чиққани билан боғлиқ бир неча саргузаштларини — воқеалар тадрижини баён қилади.

Ҳиндистон шоҳи бир заргар орқали Пахлавонни ўз юртига таклиф этади. Таклифдан мақсад шох ўзининг курашчиси билан Пахлавон Маҳмудни қуриб синаштириш эди. Пахлавон Ҳиндистонда боради ва ўз одадига кўра, мусобақа олдиндан мусулмонлар мазорини зиёрат қилади. Қўрадики, бир муштилар она бир авлиёи мазориде «Худоё, бу келган Пахлавон курашчи маърақасидин меннинг ўғлумни шарманда чилармагайсен!» деб тангрига бутун вужуди билан ёлвориб

муножат қилади. Пахлавон бу аёл шох курашчиси онаси эканини дархол англайди. Муштиларнинг дил нолаларини эшитиб, курашда мағлуб бўлишга ўзига-ўзи сўз беради.

Эртаси кураш бошланади. Пахлавон шох курашчиси билан майдонга тушади. Ваъдасига собит Пахлавон бир-икки усул қилгандек бўладию, атайин ийқилиб беради. Шу пайт қизиқ воқеа юз беради: кураги ерга теккан ҳамон жуда гўзал бир манзарани — осмонда фаршталар живласини қўради. Муштилар онанинг муножоти учун Пахлавон ўзидан куч ва малақадан анча заиф бўлган курашчидан мағлуб бўлди. Оналар хурсандчилигини, истак-талабини ўзининг полвонлик

шаънидан, гоғлибик нашидасидан устун кўя олди. Аслида у мағлуб эмас, гоғлиб эди. Ўз нафсини енгди. Шу боис Пахлавон Маҳмудни осмон фаршталари ҳам, Навоий ҳам саррафлайди, унга тан беради.

Энг ҳайратланарлики, мусобақадан сўнг шох ташкил қилган овдаги воқеа эди. Ўша кунин ов пайти шох оти билан бирга жарликка қулаётганда, Пахлавон Маҳмуд уни ўлимдан қутқаради. Шохни оти билан бирга даст кўтариб ўлимдан сақлаб қолади. Шунда подшоҳ ҳайратланиб: «...мунча муфрит (ҳаддан ташқари) куч била ажаб эрдик, ул курашчидин ийқилдинг?» деб сўрайди.

Шох саволига Пахлавон Маҳмуд ўзининг ички руҳий оламиин ёрқин акс эттирган бурмаю рубоийларидан бири билан жавоб беради: **Ўз нафсинга ҳоким бўлсан, мардсан, Хотирлаб туришдан гапирсанг, мардсан. Ийқилганин тепиб ўтиш мардик эмас, Ийқилганин қўлидан тутсанг, мардсан!**

Шундан сўнг Навоий: «Подшоҳ кўп ниёзмандлик кўргузуб, Пахлавон қайтиб Хевақа келур» деган хотима билан ушбу воқеанин хайрли яқун тоғанини ифодалайди. Бошқа маълумотларда Пахлавон ниёзмандликларга эвазига мингдан ортик хоразмлик асирларни озод қилишни хинд шоҳидан сўраган. Табиийки, ҳукмдор



ҳам халоскори истагини ба-жарган. «Насоийм ул-муҳаббат»да аёллар тимсоли билан боғлиқ жуда кўп қизиқарли воқеалар келтирилган. Айниқса, мактабдор аёл сиймоси ҳам завқли. Ансорий Ҳиравийнинг тўрт ёшида Ҳиротдаги бир хотин

мактабиде ўқиб сабоқ чиқарганини баён этади. Бу хотирага таяниб, ўтмишда ҳам фарзандларининг саводли, маърифатли бўлишида аёлларнинг — оналарнинг ўзига хос ўрни борлиги кишини қувонтиради. Таъкидлаш жоизки, «Насоийм ул-муҳаббат» ҳикоятларидеги оналар образи Навоийнинг идеал қаҳрамонларидир. Чунки бу оналарда умумбашарий фазилатлар, энг илғор диний-дунёвий, ахлоқий-таълимий қарашлар муҳассам. Хулоса қилиш мумкинки, бу оналар ҳамма замонлар учун жуда кўп қизиқарли воқеалар келтирилган. Айниқса, мактабдор аёл сиймоси ҳам завқли. Ансорий Ҳиравийнинг тўрт ёшида Ҳиротдаги бир хотин

Гаврагини наобатдаги сони 2014 йил 17 декабрь, чоршанба кунин чиқади.